



СОҒЛИҚҚА ҚАРШИ ҚАРАТИЛГАН ЖИНООЯТЛАРНИНГ ТУРИ СИФАТИДА ҚАСДДАН БАДАНГА ОҒИР ШИКАСТ ЕТКАЗИШ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ БЕЛГИЛАРИ

Тўйчиев Акмал Акбарович

Ўзбекистон Республикаси

Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби
тингловчиси

akmal19880225@gmail.com

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.10321140>

ARTICLE INFO

Received: 03rd December 2023

Accepted: 08th December 2023

Online: 09th December 2023

KEY WORDS

Бадан, бирор-бир аъзоси, тан жароҳати, соғлиқ, инсон танаси, даража, етказиш, ижтимоий хавфли, қонунга хилоф, жавобгарлик.

ABSTRACT

Мазкур мақолада соғлиққа қарши қаратилган жинооятларнинг тури сифатида қасддан баданга оғир шикаст етказиш тушунчаси ва унинг белгиларига доир масалалар таҳлил этилган. Шунингдек мақолада бу борадаги олимларнинг фикри ва мулоҳазалари ўрганилиб, тегишли таклиф ва тавсиялар берилган.

Таъкидлаш жоизки, аҳоли соғлиғига бевосита салбий таъсир кўрсатувчи омиллардан бири бу фуқароларнинг соғлиғига жинойий тажовуз қилишдир. Шунга биноан фуқароларни ушбу жинойий тажовуздан ҳимоя қилишни давлат томонидан кафолатланиши долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Инсон соғлиғини жиноят қонуни томонидан ҳимоя қилинувчи объект сифатида ўрганганимизда, соғлиққа қарши жинойий тажовуз тушунчаси ва моҳиятини очиб бериш учун уларнинг объектини, жабрланувчига хос хусусиятларини кўрсатиб берувчи барча маълумотларни аниқлаш муҳим аҳамиятга эгадир. Бу маълумотлар соғлиққа қарши жиноятларни тўғри квалификация қилишга уни ўхшаш жиноятлардан фарқлашга, қилмишнинг хусусияти ва соғлиққа етказилган шикастга мувофиқ жазони тўғри тайинлашга кўмаклашади.

Баданга шикаст етказиш деб, инсон танасининг бирор-бир аъзосига муайян даражада тан жароҳати етказишни тушунмоқ лозим. Яъни, етказилган тан жароҳати натижасида шахснинг соғлиғи йўқолиши ёки аъзолари сақланиб қолса-да уларнинг ўз фаолиятини йўқотиши ёки баданнинг анатомик бутунлиги бузилишига ёхуд меҳнат қobiliятини маълум даражада йўқотиши ҳоллари ёки ҳомиланинг тушушини тушиниш керак¹.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан “Тан жароҳатларининг оғирлигини суд-тиббий аниқлаш Қоидалари” 1992 йил

№551 сонли буйруғи жорий этилган бўлиб, тан жароҳатларининг оғирлик даражаси ушбу ҳужжат асосида аниқланган (бундан буён матнда қоидалар деб

¹ Ўзбекистон юридик энциклопедияси / нашр учун масъул Р.А. Мухитдинов ва бошқ.; масъул муҳаррир Н. Тойчиев. – Тошкент: Адолат, 2010. – Б. 40.



юритилади). Ушбу қоидаларда ёзилишича, тан жароҳатлари деб, ташқи муҳит омилларнинг таъсири остида аъзо ва тўқималарнинг анатомик ва физиологик функциясининг бузилиши тушунилади.

Жиноят ҳуқуқи назариясида баданга шикаст етказиш тушунчасига кўплаб олимлар томонидан таъриф берилган.

Жумладан, М.Х.Рустамбоевнинг фикрича, баданга шикаст етказиш ўзга шахснинг соғлиғига унинг хоҳишига зид равишда, ташқи муҳит омиллари таъсири остида тўқималар ёки аъзоларнинг анатомик бутунлиги ёки физиологик функциялари бузилишига сабаб бўлган ғайриқонуний зарар етказиш деб таърифлаш мумкин².

Е.В.Безручконинг фикрича, ижтимоий хавфли, қонунга хилоф равишда ўзга кишининг баданига шикаст етказиш тушунилади. Бунда ташқи муҳитнинг турли таъсирлари, механик, жисмоний, химик, биологик, руҳий, таъсирлари натижасида тўқималарининг ёки одам организми аъзоларининг нормал фаолиятининг бузилиши ёки касаллик ёки патологик ҳолати юзага келади ва етказилган зарарнинг объектив белгилар асосида аниқ аниқлаш мумкин бўлади³.

Е.В.Тищенко соғлиққа зарарни «ҳуқуққа хилоф равишда бошқа кишининг соғлиғига, унинг танасининг анатомик бутунлиги ёки инсон организми фаолиятининг ёки бутун организмнинг бузилишида намоён бўладиган ғайриқонуний фаолият»⁴ деб тушунади

П.Б.Бакуновнинг фикрича, баданга шикаст етказиш деб инсон танасининг бирор-бир аъзосига муайян даражада тан жароҳати етказишни тушунмоқ лозим. Яъни, етказилган тан жароҳати натижасида шахснинг соғлиғининг йўқолиши ёки аъзоларининг йўқолиши ёхуд аъзолари сақланиб қолса-да уларнинг ўз фаолиятининг йўқотиши ёки баданнинг анатомик бутунлигининг бузилишига ёхуд меҳнат қобилиятининг маълум даражада йўқотиши ҳоллари ёки ҳомиланинг тушишини тушуниш керак⁵.

Юқорида баданга шикаст етказиш тушунчаси таърифига берган олимлар фикрлари баҳс мунозараларни келтириб чиқармайди. Бизнинг фикримизча, баданга шикаст етказиш деб ташқи муҳит таъсири остида инсон организмдаги тўқималар ва уларнинг функциялари одатдаги ҳолатининг издан чиқишини тушуниш мумкин.

Жиноят ҳуқуқи назариясидаги олимлар фикрлари баданга шикаст етказиш тушунчасини очиб беришда жисмоний оғриқ берувчи уриш-дўппослаш белгиларини баданга шикаст етказишнинг қаторига киритиш масаласида анча баҳс ва мунозарага сабаб бўлади. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Безориликка оид ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида” 2002 йил 14 июндаги 9-сонли Қарорида тушунтиришича, уриш-дўппослаш-деганда, айбдор томонидан жамиятда юриш-туриш

² Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. 3 том. Ташкент. 2011. Б.83

³ Безручко Е.В. Уголовная ответственность за причинение вреда здоровью: дис канд. юрид. наук. – М., 2001. С. 33.

⁴ Тищенко Е.В. Уголовно-правовая и криминологические характеристики умышленного причинения тяжкого вреда здоровью: дис. канд. юрид. наук.- Ростов н/Д., 2001.- С.45.

⁵ Бакунов П.Б. Қасддан баданга оғир шикаст етказиш жинояти / Ўқув қўлланма. Ташкент. 2010. Б.8



қоидаларини қасддан бузиб, шахснинг баданига шикаст етказмаган ҳолда бир неча зарба бериш тушунилади⁶.

Тиббиёт нуқтаи назаридан, жисмоний оғриқ ўта кучли ёки емирувчи таъсирлар натижасида пайдо бўладиган, организмда органик ёки функционал бузилишларни келтириб чиқарадиган инсоннинг ўзига хос психофизиологик ҳолати⁷. Г.Н.Борзенковнинг фикрича, тиббиёт нуқтаи назаридан жисмоний оғриқ - бу организмдаги кўнгилсизликлар ҳақидаги огоҳлантириш бўлиб ҳисобланмайди. Оғриқ ўз-ўзидан тирик организмнинг зарарлантирувчи таъсирларга ўзига хос тарзда соғлиққа зарар етказди. Бундай таъсирларнинг бир қатор кўринишлари, масалан, томирлар торайиши, қон босимининг кўтарилиши, қон уюшиши даражасининг ўзгариши, қонда қанд миқдорининг ўзгариши ва бошқалар объектив турда аниқланиши мумкин. Уриш, дўппослаш ва қийнаш-соғлиққа ҳар қандай даражада, ҳатто оғир даражагача шикаст етказувчи ҳаракатлар усули бўлиб ҳисобланади⁸.

Р.Д.Шараповнинг фикрича, оғриқ ҳисларининг пайдо бўлиши организмда бир қатор объектив ўзгаришларининг кечиши билан давом этади. Бу ўзгаришлар турли фаолият тизимларига таъсир кўрсатади. Масалан, нафас олиш, юрак-қон томир тизими. Тиббиёт нуқтаи назаридан жисмоний оғриқ етказиш сезиларли эмас, аммо соғлом организм ҳолатининг ёмонлашувига олиб келади. Демак, жисмоний оғриқ одам соғлиғи учун жиддий зарар етказди⁹.

Ф.Тахиров юқоридаги фикрига қўшилмаслигини билдириб, ўз фикрини қуйидагича билдирган, “жисмоний оғриқ етказувчи уриш-дўппослаш ва бошқа зўравонлик ҳаракатларини содир этишни тан жароҳатларига киритиб бўлмайди. Ўз-ўзидан оғриқ етказиш субъектив нохуш ҳолатга олиб келади, аммо аниқ объектив белгиларда (шокка тушиш) намоён бўлган соғлиқнинг издан чиқишига олиб келмаса, тан жароҳати деб тан олиниши мумкин эмас”¹⁰, деган фикрни илгари суради.

П.Б.Бакуновнинг фикрича, уриш ва бошқа жисмоний зўрлик ишлатиш ҳаракатлари оқибатида киши танасида оғриқ пайдо бўлса-ю, лекин унинг танасининг анатомик бутунлиги ёки органлардан бирининг физиологик функцияси бузилмаса, баданга шикаст етказиш деб бўлмайди. Шунингдек, баданга шикаст етказиш моддий таркибли жиноят бўлганлиги учун жиноят қонунида кўрсатилган муайян оқибатларнинг келиб чиқишини талаб этади¹¹.

Баданга шикаст етказишнинг чегараларини белгиловчи ва зўравонлик тажовузлардан фарқловчи қуйидаги иккита объектив мезонни кўрсатиш мумкин:

1) одам танаси аъзолари ва тўқималарининг анатомик бутунлиги ёки бир меъёрда ишлаб туришининг бузилиши;

⁶ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Безориликка оид ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида” 2002 йил 14 июндаги 9-сонли Қарорининг 1. Банди

⁷ Большая медицинская энциклопедия. Т.3. с.294.

⁸ Г.Н. Борзенков Г.Н. Квалификация преступлений против жизни и здоровья. Москва Зерцало-М 2006 с.104-105.

⁹ Шарапов. Р.Д. Физическое насилие в уголовном праве. СПб. Москва 2001.с.120

¹⁰ Тохилов Ф. Уголовно-правовые проблемы борьбы с тяжкими телесными повреждениям. Канд дис. Т. 1989 с21

¹¹ Бакунов П.Б. Қасддан баданга оғир шикаст етказиш жинояти / Ўқув қўлланма. Ташкент. 2010. 7.б.



2) суд-тиббийёт экспертизаси ёрдамида етказилган зиённинг оғирлик даражасини аниқлаш имконини берадиган зарарнинг етказилиши.

Бунга асос айтиш мумкинки, жисмоний оғриқ берувчи уриш-дўппослашни баданга шикаст етказиш қаторига киритиш мумкин эмас. Баданга шикаст етказиш моддий таркибли жиноят эканлигини ҳисобга олиб, суд тиббий экспертиза томонидан унга етказилган жароҳат аниқланиши керак. Бу оғирлик даражасига кўра оғир, ўртача оғир ва енгил шикастлар тарзида ифодаланиши лозим. Жисмоний оғриқ натижасида инсон организмида ҳар хил ноҳуш туйғулар пайдо бўлади, аммо баданга шикаст етказишни келтириб чиқарувчи объектив белгиларда ифодаланмайди.

В.Векленко, М.Галюковаларнинг фикрича, жисмоний оғриқни баҳолашнинг аниқ мезонлари йўқ, чунки касалланиш, патологик ҳолатлардан фарқли равишда жисмоний оғриқ соғлиққа зарар етказишни келтириб чиқарадиган тиббий атама ҳисобланмайди. Шунинг учун, суд тиббий экспертизаси ваколатига жисмоний оғриқнинг келиб чиқиши фактини аниқлаш кирмайди¹². Биз бу фикрга қўшиламыз чунки, суд тиббий экспертиза шахснинг баданига етказилган шикастларни Қоидалар асосида аниқланади. Қоидаларда эса, жисмоний оғриқ белгилари ва унинг даражаси кўрсатилмаган. Шу боис, жисмоний оғриқ баданга шикаст етказиш белгиси эмас деб қатъий фикрга келиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят қонунчилигида баданга етказилган шикастнинг оғирлик даражасига қараб уч турга бўлинади.

баданга оғир шикаст етказиш:

баданга ўртача оғир шикаст етказиш;

баданга енгил шикаст етказиш.

Қасддан баданга оғир шикаст етказиш, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 104-моддаси билан белгиланган бўлиб, унда таъкидланишича; “Содир этилаётган пайтда ҳаёт учун хавфли бўлган қасддан баданга оғир шикаст етказиш натижасида кўриш, сўзлаш, эшитиш қобилиятини йўқотиш ёхуд бирор аъзонинг ишдан чиқиши ёки унинг фаолияти тамоман йўқолишига, руҳий касалга чалинишга ёки умуман соғлиғи бузилиб, умумий меҳнат қобилиятининг ўттиз уч фоиздан кам бўлмаган қисмининг доимий йўқолишига ёки ҳомиланинг тушиши ёхуд баданнинг тузалмайдиган даражада хунуклашиши...”. тушунилади.

Юқорида кўрсатилганидек, қасддан баданга оғир шикаст етказишни ўхшаш жиноятлардан фарқлашда Жиноят кодексида кўрсатилган қуйидаги объектив мезонлар билан белгилаймиз. Булар:

- баданга етказилган шикастнинг ҳаёт учун хавфлилиги;
- қонунда аниқ кўрсатилган оқибатларнинг келиб чиқиши; (кўриш, эшитиш, сўзлаш, қобилиятини йўқотиши, руҳий касалга чалиниши, ҳомиланинг тушиши, баданнинг тузалмайдиган даражада хунуклашиши);
- меҳнат қобилиятининг йўқотиш даражаси ва характериға қараб; (меҳнат қобилиятининг 33% дан кам бўлмаган қисмини доимий йўқотиш);

¹² В.Векленко., М.Галюкова. Уголовно-правовой анализ понятия “вред здоровью”. // Уголовное право №1. Москва. 2007. – с. 8.



- соғлиқнинг бузилиш муддатига қараб (соғлиқнинг узоқ ва қисқа муддатда бузилиши).

Шундай қилиб, баданга етказилган шикастнинг оғирлик даражасини аниқлаш қоидаларига кўра, икки тиббий (анатоми-патологик), иқтисодий мезонлар асосида белгиланади. Баданга етказилган шикаст тиббий мезон асосида аниқланганда ҳаёт учун хавфли шикастлар баданга оғир шикаст сифатида қаралади. Қандай тугаши ва оқибатларидан қатъи назар, зарар етказиш пайтида ҳаёт учун хавфнинг мавжудлиги баданга шикаст етказишнинг оғир шикаст етказиш категориясига киритишни белгилаб беради.

Тиббий мезон баданга етказилган шикастнинг оғирлиги даражасини белгилаб берувчи асосий мезондир. Соғлиққа шикаст етказиш вақтида унинг ҳаёт учун қанчалик хавфлилиги, тўқималар ва аъзолар функцияларининг бузилиш даражаси ва оғирлиги, аъзолар учун бу бузилиш оқибатларининг давомийлигини тавсифлаган ҳолда у тиббиёт нуқтаи назаридан жабрланувчи соғлиғига етказилган реал зиён ҳажми билан белгиланади. Тиббий (анатоми-патологик) мезон баданга етказилган барча турдаги шикастларни содир этилган пайтдаги жабрланувчининг ҳаёти учун хавфлилик нуқтаи назаридан тавсифлайди. Тўқималар ёки инсон аъзолари функциясининг бузилиш даражасини, хусусиятни ва шикастнинг давомлилиги, организмга таъсирини аниқлайди¹³. М.И.Галюкова фикрича, тиббий (анатоми-патологик) мезон организмга, етказилган пайтда ҳаёт учун хавфлилиги нуқтаи назаридан соғлиққа етказилган зарарнинг ҳамма турларини характерлайди. Инсон аъзоларининг ёки тўқималарининг бузилиш даражаси ва характерини инсон соғлиғига етказилган зарарнинг давомийлигини унинг организмга таъсирини аниқлайди¹⁴. Тиббий (анатоми-патологик) мезон, қайси йўл билан етказилган ва нималарда ифодаланишидан қатъи назар, инсон соғлиғига етказилган шикастнинг ўлчовидир¹⁵. Олимлар фикрларидан шундай хулосага келиш мумкинки, анатоми-патологик мезон тан жароҳатининг ўзига хос тавсифини ва унинг бутун организмга умуман аҳамиятини ҳисобга олади ва инсон организмнинг бир текис ишлашининг бузилиши унинг хусусиятлар ва даражасини унинг организмга таъсирини аниқлайди.

Қасддан баданга етказилган шикастнинг оғирлигини аниқлашдаги навбатдаги мезони сифатида иқтисодий мезонни олиш мумкин. Иқтисодий мезон жабрланувчи меҳнат қобилиятининг йўқотилиши фоизларда ифодаланган даражасини ҳисобга олган ҳолда баданга етказилган шикастни тавсифлайди. Қасддан баданга оғир шикаст етказиш, меҳнат қобилиятининг камида учдан бир қисмининг доимий йўқолишига олиб келади. Тиббиёт нуқтаи назаридан меҳнат қобилияти деганда инсон организмнинг жисмоний ва руҳий қобилиятларининг мажмуи муайян ҳажмда ва сифатда ишлаб чиқариш фаолиятини олиб борадиган ҳолат деб тушунилади¹⁶.

¹³ Тахиров Ф. Шахсга қарши жиноятлар ва уларнинг юридик таҳлили. Масъул муҳаррирлар: Ҳ.Бобоев, М.Рустамбоев. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2001. – Б.58.

¹⁴ Галюкова М.И. Уголовно-правовые признаки причинения вреда здоровью; дис. канд. юрид. Наук. Челябинск. 2005. С.103.

¹⁵ Читлов Д.С. Охрана здоровья граждан от тяжких насильственных посягательств. Саратовский университет., 1974. С.8.

¹⁶ Большая медицинская энциклопедия. Изд-2, Т.32. С.899.



Жиноят қонунчилиги меҳнат қобилятининг қай даражада йўқотганлигини аниқлаштирмайди ва белгилаб бермайди. Ушбу берилаётган тушунтиришлар қоидаларда ҳам қисман берилган халос. Қасддан баданга етказилган шикастнинг оғирлиги даражасини баҳолашда иқтисодий мезоннинг мавжудлиги ҳақидаги фикрлар ҳозирги вақтгача баҳс-мунозарани келтириб чиқаради. Масалан, И.С.Нойнинг меҳнат қобилятининг йўқотишга доир келтирилган фикри алоҳида диққатга сазавор, унинг фикрича, “меҳнат қобилятининг йўқотилишига доир тушунча қонун ҳужжатларига асоссиз киритилган. Биринчидан, соғлиққа қарши жиноий тажовуз оқибатида меҳнат қобилятининг йўқотилиши даражасини тавсифлайдиган илмий-асосланган маълумотлар йўқ; иккинчидан, меҳнат қобилятининг йўқотилиши, баданга етказилган шикастларни таснифлаш мезони сифатида шахснинг айбдорлигини ҳаққоний аниқлашга имкон бермайди, чунки баданга етказилган шикастлардан жабрланувчи меҳнат қобилятининг қандай даражада йўқотилишини олдиндан кўриш амалда мумкин эмас ёки ғоят мураккаб”¹⁷.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, умумий меҳнат фаолиятини йўқотишнинг фоизларда ҳисобланиши кўплаб танқидий фикрларни келтириб чиқармоқда. Бу эса соғлиққа етказилган зарарнинг оғирлигини фоизларда баҳолашни ўзининг асоссизлигини кўрсатади¹⁸. Т.Г.Даурова ҳам, унинг жиноят қонунчилигида қўлланишига қарши чиқади ва жиноят ҳуқуқи нуқтаи назаридан иқтисодий мезонни тан жароҳати оғирлигини белгилаш учун татбиқ қилиб бўлмаслигини айтиб, уни бекор қилиниши лозим дейди. Кўп йиллар давомида ҳуқуқшунос ва суд-тиббиёт ходимлари тан жароҳати оғирлиги даражасини белгилаш учун иқтисодий мезоннинг бўлиши мақсадга мувофиқми деган масалага қайта-қайта мурожаат қилганликлари уни қўллашнинг етарли асосланмаганлиги билан изоҳланади¹⁹.

Олимлар фикрига қушилган ҳолда шундай хулосага келиш мумкинки, меҳнат қобилятини йўқотиш вояга етмаган ва меҳнат қилиш қобилятидан маҳрум булган айрим тоифадаги шахслар учун меҳнат қобиляти фоизларда улчаниши тўғри келмайди. Биз меҳнат қобиляти деганда организмнинг меҳнат қилишга бўлган қобилятини тушунишимиз керак.

Баданнинг тузалмайдиган даражада ҳунуклаштириб юбориши намоён бўлганда эстетик мезон ўзига хос хусусиятга эга бўлади. Сабаби етказилган шикаст натижасида шахс ўз баданининг ҳунуклигидан руҳан эзилиб, жамиятдан ажралиб қолади. Қасддан баданга оғир шикастни аниқлаш мезонлари (тиббий, иқтисодий, эстетик) билан бир қаторда руҳий мезонни (руҳий касаллик) ҳам алоҳида ҳолда кўрсатиш мумкин деб ҳисоблаймиз ва унинг ташҳиси руҳий экспертиза билан амалга оширилади.

Хуллас, баданга оғир шикаст етказиш бошқа инсон соғлиғига ташқи муҳит таъсири остида унинг ҳаёти учун хавфли, инсоннинг муҳим аъзолари йўқолиши ёки унинг ишлаш фаолиятининг тамоман йўқолиши ва бошқа қонунда кўрсатилган оғир

¹⁷ Ной И.С. Критерии умышленного тяжкого телесного повреждения безотягчающих обстоятельств по УК РСФСР. Саратов. 1959. стр. 77.

¹⁸ Галюкова М.И. Уголовно-правовые признаки причинения вреда здоровью; дис. канд. юрид. наук. Челябинск. 2005. С.127.

¹⁹ Даурова Т.Г. Уголовная ответственность за легкие телесные повреждения. -Саратов.,1980, С.21.



оқибатларда ифодаланган шикастни келтириб чиқарадиган ғайриқонуний фолият деб тушунализ.